



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ПАТРУЛ-ПОСТ ХИЗМАТИ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ БЎЛИНМАЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мустофақулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, капитан

Шодмонов Диёрбек Элмурот ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
ихтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 211-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15165411>

ARTICLE INFO

Received: 31th March 2025

Accepted: 4th April 2025

Published: 7th April 2025

KEYWORDS

Профилактика инспектори, пост-патрул, пост-патрул хизмати, жамоат тартиби, ҳамкорлик.

ABSTRACT

Ушбу мақолада профилактика (катта) инспекторларининг пост-патрул хизмати ходимлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш йўллари, пост-патрул хизматининг вужудга келиш тарихи, олимларнинг фикри, таклиф ва тавсиялар ҳақида сўз боради.

Дунё давлатлари шаҳарларининг шиддат билан ривожланиб, тобора замонавий қиёфа акс этиб бораётгани унинг марказий кўчалари ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини замон талаблари асосида таъминлашни тақозо этмоқда. Статистик маълумотларга кўра, 2019 йилнинг ўзида аксарият ривожланган давлатларда кўча жиноятларининг умумий жиноятлардаги улуши ўртача 20,1 фоизни ташкил этгани ва кўрсаткич ҳар йили ўсиб бораётганини, бу борада биргина Россиянинг ўзида 2019 йилда қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга шикаст етказиш, зўрлаш, талончилик, ўғрилиқ, безорилик каби жиноятларнинг ўртача 34,1 фоизи жамоат жойларида содир этилганлигини кўрсатмоқда. Маълумотларга кўра, бугунги кунда АҚШ, Франция, Италия ва Германия каби ривожланган хорижий давлатлар полиция хизмати шахсий таркибининг 60-75 фоизини ташкил этувчи патрулик хизматлари томонидан ҳар йили жамоат жойларида ҳуқуқбузарлик содир қилган шахсларнинг ўртача 25 фоизи қўлга олинади¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида “Дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар яқин-узоқ минтақаларда қузатилаётган зиддият ва тўқнашувлар шароитида биз юртимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларимизни янада жадаллаштиришимиз лозим. Шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳар бир маҳаллада хавфсиз муҳит яратиш бўйича янгича ёндашувлар жорий этилади. Ҳуқуқ-

¹ С.С. Шарипов Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш мавзусида юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг 3-бети.

тартибот идораларини аҳоли осойишталиги ва фуқаролар манфаатларининг чинакам ҳимоячисига айлантиришга қаратилган ислохотларимиз изчил давом эттирилади² деб бежизга таъкидламаганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 19-июнда қабул қилинган «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ 3786-қарорига асосан соат 16:00 дан 8:00 га қадар вақт оралиғида ички ишлар органлари, Миллий гвардия саф бўлинмалари жамоат тартибини таъминлаш кучларининг камида 70 фоизини, шунингдек, жамоатчилик вакиллари (кейинги ўринларда — жамоат тартибини таъминлаш кучлари) жалб қилиш орқали куну тун уч сменали патруль режимини ташкил этиш йўлга қўйилган³.

«Патруль» сўзи французча «patrouille» сўзидан олинган бўлиб, «қўриқчи», «қоровул» деган маъноларни билдиради ҳамда мазмунига кўра маълум ҳудуднинг хавфсизлигини таъминлаш ва тартибни сақлаш учун қўйилган қуролли кишилар ёки ҳарбий самолёт, кема кабилар гуруҳини англатади. «Пост» сўзи ҳам французча «poste» сўзидан олинган бўлиб, «муайян жойга қўйилган» маъносини беради ҳамда мазмунига кўра «қўриқлаш ва мудофаа қилиш учун соқчига ёки соқчилар гуруҳига топширилган жой»ни англатади⁴.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, юридик адабиётлар ҳамда олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида «патруль-пост хизмати» тушунчасига турлича таъриф бериш, унинг моҳиятини турлича талқин қилиш ҳоллари кузатилади. Хусусан, айрим юридик адабиётларда ушбу тушунчага «мамлакатда ва унинг маъмурий-ҳудудий бирликларида ЖТС ва ХТ, хусусан шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳар қандай жиноий, маъмурий ва бошқа ғайриижтимоий тажовузлардан маъмурий-ҳуқуқий ҳимоялашни амалга оширувчи хизмат» сифатида таърифлар келтирилган. Кўриниб турибдики, «патруль-пост хизмати»га берилган мазкур таъриф умумий хусусиятга эга бўлиб, унда хизматнинг фаолият йўналишлари, турлари ҳамда таркиби аниқ келтирилмаган⁵.

Айрим юридик адабиётларда «патруль-пост хизмати» атамасини икки хил маънода қўллаш ҳоллари ҳам кўзга ташланади: биринчиси – жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминловчи ИИО махсус нарядларининг фаолияти бўлса, иккинчиси – жамоат тартибини сақловчи техник воситалар, қисмлар ва бўлинмаларнинг мажмуаси. Ҳуқуқшунос олим В.Л. Симонов эса «ушбу ҳар иккала келтирилган таъриф ҳам ППХнинг моҳиятини тўлиқ очиб беришга хизмат қилади», деб ҳисоблайди⁶.

Олиб борилган тадқиқотларда «патруль-пост хизмати»га оид турли таърифларга дуч келиш мумкин. Хусусан, А.Н. Бадмаев «ППХ – бу жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида пост ва

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

³ Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаю. <https://lex.uz/docs/3786903>.

⁴ С.С. Шарипов Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш мавзусида юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг 13-бети.

⁵ С.С. Шарипов Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш мавзусида юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг 13-бети.

⁶ С.С. Шарипов Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш мавзусида юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг 13-бети.

патруль йўналишларида фаолият олиб борувчи ИИОнинг махсус тайинланган нарядидир», дея таъриф беради. М.В. Сергеев эса «ППХ – бу ички ишлар органларининг махсус наряди бўлиб, ҳарбий хизматчилар ва бошқа махсус бўлинмалар билан ҳамкорликда бириктирилган ҳудудларда, транспорт объектлари ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлайди» деган фикрни илгари суради.

А.В. Губановнинг фикрича, ППХ саф бўлинмалари ходимлари томонидан патруллик қилиш ҳудуд ва жинойтчилик интенсивлиги даражасини инобатга олган ҳолда ошкора ва ноошкора йўллар билан ҳуқуқ-тартиботга қарши тайёрланаётган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олишга қаратилган тезкор, мақсадга йўналтирилган фаолият бўлиб, жинойтчига қарши жамият ҳимоясининг биринчи чизиғидир⁷.

Ж.С. Мухторов ўз тадқиқотларида ППХ саф бўлинмаларининг ҳуқуқбузарликларни, шу жумладан жинойтларни олдини олишдаги ўрнини, О.В. Десятова уларнинг замонавий шаҳарлар шароитида ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсларни ушлаб туришдаги ролини, Д.В. Кураков эса маъмурий назоратни амалга оширишдаги аҳамиятини алоҳида эътироф этади⁸.

Ушбу келтирилган таърифлардан кўриш мумкинки, ППХни ўтайдиган таркиб фақат ИИОнинг махсус нарядлари билан чекланиб қолган. Ваҳоланки, ушбу хизматга ИИОнинг бошқа таркибий тузилмалари ҳамда ҳарбий хизматчилар ҳам жалб қилиниши мумкин.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мазкур тушунчага нисбатан мақсадга йўналтирилган таъриф берилган: «ППХ – ИИО ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг кўчалар ва бошқа жамоат жойларида ЖТС ва ХТ бўйича аниқ белгилаб берилган ҳудудлар ва жойларда хизмат ўташи». Ўз навбатида мазкур таъриф ҳам назаримизда ушбу тушунча мазмун-моҳиятини тўлиқ ёритиб бера олмаган. Жумладан, унда келтирилганидек, ППХнинг хизмат кўрсатиш қамрови кўчалар, жамоат жойлари ва аниқ белгилаб берилган ҳудудлар, жойлар билан чекланмайди, масалан, улар бундан ташқари кўриқловга олинган маҳсулотларни темир йўл орқали манзилларига кузатиб бориш, йўловчи поездларда ЖТС ва ХТ фаолиятини ҳам амалга оширади. Демак, ППХ нафақат ҳудуд ва жойларда, балки маълум транспорт воситаларида ҳамда унинг белгиланган маршрутларида ҳам фаолият олиб боради⁹.

Юқорида келтирилган фикрлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, «патруль-пост хизмати» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: «ППХ – ИИО ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг ЖТС ва ХТ, шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳар қандай жинойи ва маъмурий тажовузлардан маъмурий-ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича кўчалар ва жамоат жойларида, кўриқловга олинган маҳсулотларни кузатиб боришда, йўловчи поездларда ва белгилаб берилган жойларда хизмат ўташи»¹⁰.

⁷ С.С. Шарипов Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш мавзусида юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг 18-19-бетлар.

⁸ С.С. Шарипов Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш мавзусида юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг 18-19-бетлар.

⁹ С.С. Шарипов Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш мавзусида юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг 14-бети.

¹⁰ С.С. Шарипов Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш мавзусида юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг 14-бети.

Бевосита «патруль-пост хизмати саф бўлинмалари» хусусида сўз борар экан, тадқиқотчи М.В. Сергеев тўғри таъкидлаганидек, ППХ саф бўлинмалари ППХ таркибидаги бўлинма ҳисобланади¹¹.

Юқоридагилардан келиб чиқиб профилактика инспекторлари пост-патруль хизмати ҳодимлари билан ҳамкорлигини кучайтириш ва такомиллаштириш учун саф бўлинмаларини қуйидагича такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Биринчидан Ўзбекистон Республикаси пост-патруль хизмати ҳодимлари жамоат жойларида хизмат олиб боради. Жамоат жойларида фуқаролар томонидан белгиланмаган жойга аҳлат ташлаб шаҳар ободонлаштириш ва санитария қоидаларини бузса Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 161-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда ППХ ходими планшетда маъмурий баённома расмийлаштириб, расмийлаштирилган маъмурий баённомани ҳудуд профилактика инспекторига жўнатиш ва профилактика инспектори тузилган маъмурий баённома бўйича қарор қабул қилиш амалиётини йўлга қўйиш.

Иккинчидан Ўзбекистон Республикаси пост-патруль хизмати ҳодимлари жамоат жойларида хизмат олиб боради. Жамоат жойларида ўзида шубҳа уйғотган шахсларни шахсини аниқлаш мақсадида текширганида паспорт тизими қоидаси бўйича фуқаролик паспортини алмаштириш муддати ўтган ҳолатда 223-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик бўйича ППХ ходими планшетда маъмурий баённома расмийлаштириб, расмийлаштирилган маъмурий баённомани ҳудуд профилактика инспекторига жўнатиш ва профилатика инспектори тузилган маъмурий баённома бўйича қарор қабул қилиш амалиётини йўлга қўйиш.

Учинчидан «ППХ саф бўлинмалари – кўча ва жамоат жойларида, транспорт объектларида, қўриқловга олинган маҳсулотларни темир йўл орқали манзилларига кузатиб бориш ва йўловчи поездларда ҳамда бошқа белгиланган пост ва патруллик йўналишларида жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича қонун ҳужжатлари билан зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширадиган ИИОнинг таркибий тузилмаларидир» деб янги таъриф билан тўлдириш.

Хулоса қилиб айтганда ҳар бир ҳудудда профилактика (катта) инспекторлари патруль-пост хизмати ҳодимлари билан жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича кенг қамровли профилактик чора тадбирларни ҳамкорликда амалга оширса юртимиз тинч осмонимиз мусаффо ва фуқароларимиз эркин осойишта яшаб юртимиздан ва давлатимиздан рози бўлиб яшашига ҳисса қўшган бўлади. Маҳаллада профилактика инспекторлари ва патруль-пост хизмати ҳодимлари ҳамкорликни тўлиқ йўлга қўйилиши жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга хизмат қилади.

¹¹ С.С. Шарипов Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш мавзусида юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг 14-бети.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. С.С. Шарипов Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш мавзусида юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг 3-бети.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.
3. Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. <https://lex.uz/docs/3786903>.
4. угли Г'офуров АА, о'г'ли Мустофақулов Б.А. ҲУҚУҚИЯТЧИЛИКЛАРНИ профилактика хизматида КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИНИ ТАКМОНЛАШ //“ИЛМИЙ ИЛМИЙ АВТОЛАР ВА ИННОВАЦИОН ТИЗИЛМАЛАРИ” ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ. – 2024. – Т. 1. – Ё'қ. 2. – 16-22-бетлар.
5. о'г'ли Мустофақулов БА, о'г'ли Ду'сматов СР ОЗОДЛИГИНИ ЧЕКЛАШГА МАҲкум ОЛГАН ШАХСЛАР БИЛАН ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БО'ЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЖРИБАСИ // New Science Societiy Интернационал Ссиентифис Журнал хабарномаси. – 2024. – Т. 1. – Ё'қ. 6. – 193-200-бетлар.
6. Mustofaqulov B. A. O., Turg'unpo'latov A. A. O. INSPEKTORAL TIBBIY KASALLIKLARNING profilaktikasi, VA DEPUTATLIK NAZORATI PARLAMENTI //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – V. 2. – No 2-2. – B. 83-87.
7. Bobur, Mustofaqulov, Asror Ohli va Asadbek Abror Ohli Abduxalilov. “NODAVLAT NOTIJORAT TOSHQILOTLAR BILAN HAKORLIGINI TAKOMILLASTIRISH” PRAFAKTIKA INSPEKTORI. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.1-2 (2024): 130-136.

INNOVATIVE
ACADEMY